

**БМТНИНГ ҚЎШМА ДАСТУРИ  
«ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИ УЧУН ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА  
КЎПШЕРИКЛИК ФОНДИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ОРОЛ  
ФОЖИАСИДАН ЗАРАР КЎРГАН АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ШАРОИТИ  
САЛОҲИАТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ»**

**ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДА ҚИШЛОҚ  
ЖОЙЛАРИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА  
АҲОЛИНИНГ ИМКОНИАТЛАРИНИ  
КЕНГАЙТИРИШ**

**(Қорақалпоғистон)**







# КИРИШ

Оролбўйи минтақасидаги экологик фалокат оқибатида Қорақалпоғистон инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлган гуманитар муаммоларга дуч келмоқда. Оролбўйи минтақасида кузатилаётган инкирознинг ҳалокатли таъсирини камайтириш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати, БМТ агентликлари, икки ва кўп томонлама донорлар ва бошқа қатор манфаатдор ташкилотлар бу соҳада хабардорликни оширишга, минтақада инсонларга, атроф-муҳитга ва иқтисодий ҳаётга салбий таъсирларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқдалар. Мазкур чора-тадбирлар доирасида, 2012 йилда БМТнинг инсон ҳавфсизлиги бўйича мақсадли фонди Қорақалпоғистонда аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, жамият ривожини жадаллаштириш, саломатлик ва атроф-муҳитга бўлган хатарларни камайтиришга қаратилган БМТнинг илк кенг қамровли ва интеграциялашган «Орол фожиасидан зарар кўрган аҳоли турмуш тарзини яхшилаш» қўшма дастурини қўллаб-қувватлади. Дастурда ўзаро узвий боғлиқ бўлган муаммоларни бартараф этиш ва Қорақалпоғистоннинг қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи аҳолининг барқарорлигини мустаҳкамлашда кўп ўлчовли ёндашувнинг аҳамияти таъкидланади.

БМТнинг илк қўшма дастуридан олинган тажриба ва сабоқларга таяниб, БМТнинг Ўзбекистондаги бешта агентлиги, шу жумладан БМТТД, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЮНФПА ва БМТ кўнгилчилари биргаликда «Оролбўйи минтақаси учун инсон ҳавфсизлиги бўйича кўпшериклик фондини ташкил қилиш орқали Орол фожиасидан зарар кўрган аҳолининг турмуш шароити салоҳиятини мустаҳкамлаш» бўйича дастурнинг иккинчи босқичини ҳукумат билан ҳамкорликда амалга ошириб келмоқда. Мазкур дастур Оролбўйи минтақасидаги экологик муаммоларни бартараф этиш ва минтақадаги зарар кўрган ҳудудларда яшовчи аҳоли турмуш даражасини яхшилашга йўналтирилган Ўзбекистон Ҳукумати сиёсатининг устувор йўналишлари асосида ишлаб чиқилган. Қўшма дастур ўз фаолиятини БМТ агентликлари, Ўзбекистон ҳукумати, Швейцариянинг ривожланиш ва ҳамкорлик агентлиги ва БМТнинг инсон ҳавфсизлиги

бўйича мақсадли фондининг молиявий кўмагида амалга ошириб келмоқда.

Қўшма дастур инсон ҳавфсизлигига дахлдор бўлган ўзаро боғлиқ ҳавфларни камайтиришга ва Орол денгизи фожиаси оқибатида зарар кўрган аҳолининг барқарорлигини кучайтиришга йўналтирилган. Бунда интеграциялашган ва кўп босқичли ёндашув қўлланилиб, Оролбўйи минтақаси учун Инсон ҳавфсизлиги бўйича кўпшериклик траст фонди жорий қилинди.

БМТнинг қўшма дастури, Орол фожиаси натижасида зарар кўрган шахслар ва жамоалар юз тутиши мумкин бўлган, инсон ҳавфсизлиги бўйича муаммоларни ҳал этишда самарали бўлган инсон ҳавфсизлиги концепциясини бирлаштиради. Қўшма дастур таркибий жихатдан ўзига хос бўлган, мавжуд маҳаллий активлар ва ресурсларга таянувчи чора-тадбирларни амалга ошириш орқали манфаатдор томонларнинг имкониятларини оширишга мўлжалланган.

Оролбўйи минтақасидаги фалокатдан зарар кўрган аҳолининг инсон ҳавфсизлигига бўлган эҳтиёжини қондиришнинг муҳим омилларидан бири, бу асосий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда қўшимча даромад олиш имкониятларини яратишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир. 2012 йилдан буён, қишлоқ жойлардаги инфратузилмани ривожлантириш ва даромадларни оширишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида қуйидаги кўрсаткичларга эришилди:

- 57 та аҳоли пунктида истиқомат қилувчи 55 мингдан ортиқ қишлоқ аҳолиси (49,5% аёллар) нинг турмуш даражасини кўтариш мақсадида, ичимлик суви, электр энергияси ва соғлиқни сақлаш, бошланғич ва мактабгача таълим соҳалари каби асосий хизматларни ривожлантиришга қаратилган 50 та кичик инфратузилмавий лойиҳалар амалга оширилди.
- 200 та инклюзив бизнес-лоyiҳалар ва кўргазма участкалари яратилиши қўллаб-қувватланиб, асаларичилик, тикувчилик ва ҳунармандчилик, озиқ-овқат ва сутни қайта ишлаш, нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва бошқаларни



ўз ичига олган соҳаларда 300 дан ортиқ янги иш ўринлари (46% аёллар) яратилди. Шимолий туманларда яшовчи аҳоли, мазкур мақсадли лойиҳалардан бевосита ёки билвосита манфаатдордирлар.

- Соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларининг салоҳиятини оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиб, маҳаллий аҳоли ўртасида соғлиқни сақлаш масалалари бўйича хабардариликни ошириш даражаси яхшиланди. Шифокорлар, ҳамширалар ва бошқа шу соҳа мутахассислари аёллар репродуктив саломатлиги, оилани режалаштириш ва сил касаллиги билан оғриган инсонларга нисбатан салбий муносабатда бўлиш ва уларни камситилиши бўйича ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилиш бўйича салоҳиятларини оширдилар. Жамоатчи кўнгилчилари сил касаллигига қарши тадбирлар ташкиллаштириш ва маҳаллий аҳоли ўртасида касаллик ҳақида хабардорликни ошириш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлдилар. Тадбирлар бешта туманда жойлашган 32 000 хонадонда яшовчи 128 минг аҳолини ўз ичига қамраб олди. Шу билан бирга, маҳаллий аҳоли вакилларида кўшимча 1000 нафар кўнгилчилар (95,3% аёллар) нафас олиш, юрак-қон томир ва ошқозон-ичак касалликларига қарши чора-тадбирларни ташкил этиш, хусусан, она ва боланинг саломатлигини яхшилаш бўйича кўникмаларга эга бўлдилар. Тадбирда, Қорақалпоғистоннинг учта ту-

манида истиқомат қилувчи 9 000 дан ортиқ аҳоли вакиллари қамраб олинди.

- Қорақалпоғистонга инвестиция киритиш бўйича Қўлланма чоп этилиб, кенг омма эътиборига тақдим этилди ва минтақада инвестиция киритиш имкониятлари ҳақида тўлиқ маълумот берилди.

Дастур ва унинг натижалари, турли ҳилдаги БМТ агентликлари, ҳукумат органлари, халқаро ташкилотлар ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг Оролбўйи минтақаси инқирозининг оқибатларини юмшатиш бўйича турли воситаларни излаш, ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратилган сайи-ҳаракатларининг самарасидир.

Дастурни амалга ошириш жараёни давомида, амалдаги давлат дастурлари, хусусан, Оролбўйи минтақаси учун давлат дастури, "Обод қишлоқ" дастури ва бошқа шу каби дастурлар билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Мазкур нашрда, Барқарор Ривожланиш Мақсадларининг амалиётга татбиқ этилиши ва инсон хавфсизлиги бўйича ёндашувни амалга ошириш орқали, Дастурнинг аҳоли имкониятларини кенгайтиришга бўлган ёндашуви ҳақида маълумот берилади.

*Муаллифларнинг ушбу нашрда билдирган фикрлари, БМТ, БМТ Тараққиёт Дастури ёки БМТга аъзо мамлакатларнинг расмий нуқтаи назарини акс эттирмаслиги мумкин.*





## ЯХШИЛАНГАН АСОСИЙ ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ЯРАТИШ

"Асосий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари" компоненти доирасида, БМТнинг қўшма дастури мақсадли туманлардаги минтақавий ва туман даражасидаги манфаатдор томонлар билан ҳамкорликда маҳаллий бошқарув органлари инсон хавфсизлигига асосланган ёндашувга йўналтирилган сиёсатни шакллантиришда умумий услублардан фойдаланишларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширди. Дастур томонидан қишлоқ аҳолисининг асосий ижтимоий инфратузилмалардан фойдаланиш ҳуқуқини кенгайтириш ва уларни ривожлантиришга қаратилган **Аҳоли пунктини ривожлантириш режасини** ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун турли даражадаги тадбирлар амалга оширилди. Аҳоли пунктларини ривожлантиришда бундай услублардан фойдаланиш Дастур томонидан қўлланиладиган ноёб ёндашув бўлиб, маҳаллий аҳолининг режалаштириш ва қарор қабул қилишда, хусусан ўз жамоаларини ичида устувор масалаларни ҳал қилишда интерфаол иштирокини қўллаб-қувватлайди. Ушбу ёндашувга асосланган ҳолда, Дастур аҳолининг энг заиф қатламларининг салоҳиятини ошириш бўйича ўқув-тренинг машғулотлари ўтказиб, фуқароларга инсон манфаатларига йўналтирилган "Аҳоли пунктини ривожлантириш режаси" ни ишлаб чиқишда кўмак берди.

Аҳоли пунктини ривожлантириш режасини асос қилиб олган дастур, узоқ қишлоқ жойларида жойлашган ва ижтимоий жихатдан заиф саналган аҳоли пунктларида 50 дан ортиқ инфратузилмавий лойиҳаларни молиялаштириш ва амалга ошириш орқали асосий ижтимоий хизматларни такомиллаштириш учун зарур бўлган чора-тадбирларни амалга оширди. Қуйида, амалга оширилган лойиҳалардан айрим мисоллар келтирилган:

### ТАХТАКЎПИР ТУМАНИДАГИ ТАЗА ОРАЙ АҲОЛИ ПУНКТИДА ЯРАТИЛГАН ЗАМОНАВИЙ ИЖИМОЙ ОБЪЕКТЛАР

Мазкур ташаббус доирасида, дастур Тахтакўпир туман марказидан 22 км масофадаги узоқликда жойлашган Таза орай аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган лойиҳасини амалга ошириш учун "Обод қишлоқ" ва "Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича давлат дастури" каби қатор давлат дастурлари билан ҳамкорликда иш олиб борди. Таза орай аҳоли пунктида 270 та хонадон мавжуд бўлиб, уларда яшовчи аҳолининг умумий сони 1476 кишини ташкил этади. Аҳоли пунктида ўрта таълим мактаби, тиббий тез ёрдам пункти ва болалар боғчаси мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳасини амалга оширилишидан манфаатдор бўлдилар.

Аҳоли пункти мавжуд бўлган, ammo кўп йиллар давомида қаровсиз ҳолатда бўлган "Давқара" сув тақсимоти тизимига эга бўлиб, у ерда эскирган сув тозалаш ускуналаридан фойдаланиб келинган. Туямуюн сув таъминоти бошқаруви кенгаши, Тахтакўпир тумани ҳокимлиги ва маҳаллий жамоа вакиллари билан келишилган ҳолда, дастур



ёрдамида мазкур сув тақсимлаш тизимининг қайта таъмирланиши келишилди. Буни амалга ошириш учун, сув тозалаш ускуналари ва икки дона янги насосларни харид қилиш ва ўрнатиш, тизим ичидаги ер ости қувурларини алмаштириш, қудуқларни тозалаш ва қайта таъмирлаш, насос станциясининг биноларини таъмирдан чиқариш ва хонадонларга 2000 метр полиэтилен сув қувурларини ўтказиш талаб этилар эди.

Лойиҳа маҳаллий манфаатдор томонлар билан ҳамкорликда амалга оширилди. Сувни

тақсимлаш тизимини такомиллаштириш «Оролбўйи минтақасини ривожлантириш» бўйича давлат дастури орқали ҳукумат томонидан молиялаштирилди. Бир вақтнинг ўзида, "Давқара" сув тақсимоти тизимида қайта таъмирлаш ишлари муваффақиятли амалга оширилиб, сув тозалаш ускуналари келтирилиб ўрнатилди ва 180 хонадонга қўшимча сифатида, 90 та хонадон полиэтилен сув қувурлари ёрдамида марказий сув таъ-

минлаш қувурига уланди. Бунинг натижасида, аҳоли пунктида яшовчи барча инсонлар тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Лойиҳа жамоаси мақсадли бенефициарлар ўртасида умумий сафарбарлик тадбирларини амалга ошириб, жамоа аъзоларини аҳоли пункти ҳолатини яхшилашда биргалликда фаол иштирок этишларига даъват қилди.

## ТАХТАКЎПИР ТУМАНИ ХЎЖАМЕТ АҲОЛИ ПУНКТИДА ЯНГИ СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ



Тахтакўпир тумани марказидан 9 км узоқликда жойлашган Хўжамет аҳоли пункти илгари асосий коммунал хизматларидан фойдаланиш имкониятларидан маҳрум эди. Қорақалпоғистоннинг энг чекка ҳудудларидан бирида жойлашган Хўжамет аҳоли пунктининг асосий сув манбалари фақатгина саёз, ҳимояланмаган қудуқлар, каналлар ва қўлбола сув тортиш насосларидан иборат эди. Минтақадаги санитария шароитлари қониқарсиз ҳолатда бўлиб, бу омиллар маҳаллий аҳоли ўртасида саломатлик ва маҳсулдорлик даражасини сезиларли пасайишига олиб келди.

Хўжамет аҳоли пункти 302 кишидан иборат бўлиб, ҳар йили қурилаётган янги оилалар ва ички миграция натижасида кенгайиб бормоқда. Маҳаллий аҳолиси асосан қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва чорвачилик билан шуғулланиб, ҳар бир хонадоннинг сувга бўлган кунлик эhtiёжи тахминан 80 - 100 литрни ташкил этади. Хонадонни сув билан таъминлаш билан боғлиқ оғир юмушлар асосан аёллар ва болаларнинг зиммасига юкланган эди.

Мазкур муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, қувурлар ёрдамида сув таъминоти тизими 2018 йилнинг 6 ой даври мобайнида йўлга қўйилиб, бу асосан қишлоқ аҳолисининг ичимлик сувига бўлган эhtiёжини қондириш учун хизмат қилиши кўзда тутилган эди. Маҳаллий аҳолини жалб қилиш билан бирга, БМТнинг қўшма дастури ушбу лойиҳани амалга оширишда, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш бошқармасининг маҳаллий сув билан таъминлаш бўлими билан яқиндан ҳамкорлик олиб борди. Лойиҳа кўлами доирасида, 2018 йилнинг март ойида Хўжамет аҳоли пунктининг бир гуруҳ фаоллари иштирокида семинар ўтказилди.

Иштирокчилар барқарор мақсадларга эришиш учун жамоатчиликни сафарбар қилиш ва инсон хавфсизлиги тушунчаларини қўллаш усуллари ва аҳоли олдида турган асосий муаммоларни ҳал қилиш йўллари ҳақида кўникмаларга эга бўлдилар. Ушбу соҳада кўникмаларга эга бўлишдан ташқари, иштирокчиларга ўз фикрлари, дунё қарашлари ва тажрибалари билан ўртоқлашиш имкониятлари яратиб берилди. Шу билан бирга, улар ихтиёрий равишда махсус ташаббускор гуруҳни ташкил этиб, унинг фаолиятига ўқитувчилар, қишлоқ оқсоқоллари, сувсозлик корхоналарининг мутахассислари ва жамоат фаолларидан иборат бўлган маҳаллий аҳоли вакилларини ҳам жалб қилдилар.

Семинар иштирокчилари амалга оширилаётган лойиҳа бўйича ўз ижобий фикрларини билдирдилар. *"Ташаббускор гуруҳининг вакили сифатида, мен оилам ва қўшнилари учун сувдан етарли даражада фойдаланиш имконияти яратиб берилганидан жуда хурсандман,"* — деди иштирокчилардан бири бўлган Карамитдин Мамбетсапаев. *"Сувда учрайдиган ҳасталиклардан ҳимояланиш жуда муҳимдир. Семинарда эга бўлган асосий билимларни*







*амалда қўллаш менга келажак томон даядил қадам ташлаш ва қандай натижаларга эришиш мумкин эканлигини кўриш имконини яратади."*

Хўжамет аҳоли пунктида яшовчи уй бекаси Байимбетова Зубайда шундай дейди — *"Мен бу жараёнда иштирок этган барча инсонларга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман, чунки улар туфайли, менинг хонадонимда сугориш, овқат тайёрлаш, тозалаш ва бошқа уй ишлари учун етарли бўлган сув мавжуд. Авваллари, қишлоқ аҳолиси қийин шароитларда кун кечирар эди. Мен Хўжамет қишлоғида яшовчи аҳолининг вакили сифатида ижобий жараёнларда иштирок этаётганимдан фахрланаман".*

Шу билан бирга, БМТТД томонидан Хўжамет аҳолиси учун сувдан фойдаланиш ва сани-

тария масалалари бўйича семинар ўтказилди. Қишлоқ аҳолисига ичимлик сувининг сифатини яхшилаш, ҳамда шахсий гигиена-санитария ва атроф-муҳитни сақлаш масалалари бўйича маълумотлар берилди. Хусусан, улар шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш ва болаларни турли ҳилдаги юқумли касалликлардан сақлаш бўйича кўникмаларга эга бўлдилар.

Мазкур сув таъминоти лойиҳаси туфайли, қишлоқ аҳолиси марказий сув таъминлаш тизимидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди ва маҳаллий аҳоли томонидан тоза ичимлик суви миқдорини оширишда фаол иштирок этдилар. Лойиҳа барқарорлигини таъминлаш мақсадида, жамоанинг ташаббускор гуруҳи сув таъминоти тизимини келгусида бошқариш бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олди.

## **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ШУМАНАЙ ТУМАНИДАГИ БЕРДИБАЙ АҲОЛИ ПУНКТИНИ ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ**

Бердибой аҳоли пунктида сув билан таъминлаш қувурлари бўлмаганлиги сабабли, тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятлари ҳақиқатдан узоқ эди. Қўшни қишлоқлар аҳолиси ҳам қудуқлар, каналлар ва қўлбола насослар каби турли хилдаги сув манбаларидан фойдаланишга мажбур эдилар.

Шинибек Шуманай тумани марказидан тахминан 20 км узоқликда жойлашган Бердибай туманида туғилиб ўсди ва ота-онасига кўмак бериш мақсадида, кунига 4-5 маротаба қўлида сув ташишига тўғри келар эди. *"Мен дарсларимни бажаришга камроқ вақт ажратишга мажбур эдим, чунки оиламга ёрдам бериш мақсадида сув олиб келишимга тўғри келар эди,"* – деди Шинибек. Бир кун келиб, унинг оила аъзолари хонадондаги сув кранидан фойдалана олишини хатто тасаввур ҳам қила олмас эди.

Қиш мавсумида, бу оғир ва машаққатли вазифа Шинибек ва унинг қишлоқдошлари сув олиб келиш учун сирпанчиқ йўл бўйлаб юришга мажбур бўлганларида янада мураккаблар эди. Узоқ масофалардан оилаларига сув келтириб ёрдам беришга мажбур бўлган мактаб ўқувчилари, таълим олиш ва мактабдан ташқари тадбирларда қатнашиш учун етарлича вақт ажрата олмас эдилар. Шунга қарамасдан, ичимлик сувининг сифати талабга жавоб бермас эди.

Буларнинг барчаси, 2017 йилда БМТнинг қўшма дастури томонидан аҳоли пунктига сув

қувурлари ўтказиш лойиҳасини молиялаштиришни бошлаганидан сўнг ўзгарди. Ўз навбатида, қишлоқ фаоллари ташаббусни ўз қўлларига олдилар ва барча хонадон эгаларини марказлашган сув тизимига уланиш учун ўзларига зарур бўлган материалларни келтиришларига илҳомлантирдилар. Қишлоқдаги деярли барча хонадонлар тоза ичимлик суви билан таъминланган. Бундан ташқари, қишлоқ аҳолиси қурилиш жараёнига ишчиларни озиқ-овқат ва турар-жой билан таъминлаш орқали ўз ҳиссаларини кўшдилар.

*"Қувур орқали келувчи тоза ичимлик суви, ифлосланган сув олиб келиш учун узоқ масофада жойлашган қудуқ ва каналларга қатнаш заруриятини камайтирди. Тоза ва хавфсиз ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси ошди ва мактаб маъмурияти ўқувчилар ва ўқитувчиларни қайнатилган сув билан таъминлаш имкониятига эга бўлди. "БМТнинг қўшма дастурига кўрсатган кўмаги учун миннатдорчилик билдирамиз",* - деди 17 - умумтаълим мактаби директорининг ўринбосари Ислонбек Қурбонов.

*"Хозирги вақтда, тоза ичимлик суви хонадонларга бевосита марказий сув тарқатиш тизимидан етказиб берилмоқда,"* - дейди "Туямуюн" давлат унитар корхонасининг Шуманай бўлими раҳбари Пўлат Қурбонов. *"Бу фақат бошланиши. Ўтган давр ичида, туманда сув таъминоти бўйи-*





ча тўртта лойиҳа амалга оширилиб, қўшма дастур кўмагида қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Мазкур янги лойиҳалар, қишлоқ жойлардаги аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаб, у ерлардаги сув танқислигини бартараф этишга ёрдам беради.”

Пўлат Қурбоновнинг сўзларига кўра, мазкур лойиҳалар ҳукумат томонидан амалга оширилиши кутилаётган ишлар режаси рўйхатига киритилган. “Гарчи аҳоли тоза ичимлик суви етишмаслигидан азият чекаётганлиги ҳақида хабаримиз бўлсада, молиявий муаммолар туфайли, ушбу лойиҳаларни амалга ошириш муддатлари орқага сурилди.”

Амалга оширилган ишлар натижасида, мактаб ўқувчиларининг давомати ва машғулотларда иштирок этиши кўрсаткичлари

яхшиланди — “Марказий сув таъминлаш қузурига уланганимиздан сўнг, мактабимизда гигиена ва санитария шароитлар яхшиланишидан бахтиёрман” — дейди 17-ўрта мактаб ўқитувчиларидан бири.

Шининбек учун тоза сувдан фойдаланиш имконияти унинг ҳаётини енгиллаштиради ва унга ҳаётдаги муҳимроқ нарсаларга - таълим олиш, дўстлар билан учрашиш ва оила аъзолари билан вақт ўтказиш имкониятларини яратади. “Хонадонимизда кран суви ўтказилганлигидан жуда мамнунман, чунки олисда жойлашган қудуқ ва каналлардан сув ташишга эҳтиёж қолмади” – дейди у. “Энди бу вақтни дарсларга қатнаш, футбол ўйнаш ва мактабдан ташқари тадбирлар каби ўзимга ёққан ишлар билан шуғулланиш учун қўллашим мумкин.”

## **МЎЙНОҚДА ЖОЙЛАШГАН АДАЙ АҲОЛИ ПУНКТИДА МАКТАБНИ ҚАЙТА ТАЪМИРЛАШ**

Адай аҳоли пункти Мўйноқ туманининг энг кам ривожланган ҳудуди ҳисобланиб, у ерда 43 хонадон истиқомат қилиб, туман марказидан бир соатлик масофада жойлашган. Аввалги ташриф чоғида, аҳоли пунктининг бошланғич таълим мактаб биноси ўзининг ярим хароба ҳолати, санитария алабларитга жавоб бермаслиги ва ўқитвчиларнинг етиш-

маслиги билан барчанинг эътиборини тортган эди. Маҳаллий аҳолининг сўзларига кўра, мазкур мактаб биноси умумхашар йўли билан ўз маблағлари ҳисобига қурилган.

“Мактаб биносининг ачинарли ҳолати сифатли таълим беришимизга халақит бериб, болалар бу ерда ўзларини жуда ноқу-



лай ҳис қиладилар,” — деди ўқитувчилардан бири. Дарҳақиқат, қоронғу ва нам хоналар ўқитувчининг сўзларини тасдиқлар эди.

Деворлари қамиш похолдан иборат бўлган бино электр энергияси билан таъминланмаган эди. Бино қўлбола печлар ёрдамида иситилиб, уларнинг тутуни ўқувчиларнинг дарсдарда тўлиқ эътиборларини жамлашларида халақит берар эди. Мактаб жамоаси ва маҳаллий аҳоли доимий равишда нураб кетган мактаб биносининг деворларини мустаҳкамлаш ва қулашдан сақлаш мақсадида қайта таъмирлаб туришсада, аммо уларнинг сайи-ҳаракатлари муаммони ҳал қилиш учун етарли эмас эди.

Энг яқин масофада жойлашган бошланғич таълим мактаби — 16-ўрта таълим мактаби - қўшни Али овул қишлоғидан 1 км узоқликдаги масофада жойлашган. Бу нафақат Адай, балки яқин атрофдаги бошқа қишлоқ ва овуллардан келувчи мактаб ўқувчиларига таълим берувчи, мазкур ҳудуддаги ягона ўрта таълим мактаби бўлиб, ўқувчилар сонининг ҳаддан ошиб кетиш ҳавфи остида турган эди. Бундаги асосий муаммолардан бири, бу Адай аҳоли пунктида жойлашган мактабни 16 мактабга бўлаётган босимни камайтириш учун етарли даражада таъмирлаб, ўқувчиларнинг маълум сонини қабул қилиш учун шароитлар яратишдан иборат эди.

Муаммонинг ечимини топишда, БМТ дастури Адай аҳоли пунктида инсон хавфсизлиги концепциясини жорий қилиш, жамоанинг эҳтиёжларини аниқлашга йўналтирилган масалалари бўйича семинар ўтказиб, семинар натижаларига кўра, ташаббускор гуруҳ тузилди. Ушбу гуруҳ аъзолари жамоат лойи-

ҳаларини белгилаш, устувор йўналишларни аниқлаш, лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ресурсларни сафарбар қилиш ва салоҳиятни мониторинг қилиш бўйича ўқув-тренинг курсларида қатнашиб, бу уларга ижтимоий инфратузилманинг барқарорлигини таъминлашларига кўмак берди. Шу тариқа, қишлоқ аҳли, мактаб жамоаси ва ташаббускор гуруҳ аъзолари қишлоқнинг бошланғич таълим мактабини қайта таъмирлаш бўйича “Аҳоли пунктини ривожлантириш режаси”ни ишлаб чиқди.

Кўп куч ва вақт сарфланган жараёндан сўнг, қайта таъмирдан чиққан мактаб биноси маҳаллий аҳолининг ғурурига айланди. “Бундан буён, фарзандларимизнинг хавфсизлиги ва саломатлиги ҳақида қайғуришга ҳожат йўқ” — дейди ўқувчи қиз Фотиманинг онаси.

“Кўп йиллар давомида талабга жавоб бермайдиган мактаб биносида таълим олгандан сўнг, мактаб ўқувчиларини янгиланган синф хоналарига қайтаришда жонбозлик кўрсатган БМТТД га ўз миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз,” — деди №16 ўрта таълим мактабининг директори Жонибек Эшмахонов.

“Бундан ташқари, БМТТД маҳаллий аҳоли вакилларининг мактабни қайта таъмирлаш ишларига жалб қилиш бўйича платформа яратиб берди. Хабардорликни ва салоҳиятни ошириш бўйича тадбирлар жамоани сафарбар қилиб, узоқ муддатли ривожланиш жараёнларига ижобий ҳисса қўшади.”

Янги мактаб биноси қайта таъмирланганидан сўнг, ўзларининг янги мактаб биносига эга бўлишлик ҳисси қишлоқ ҳаётини ижобий томонга ўзгартириб юборди.





# ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИАТЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ЯНГИ ИШ ЖОЙЛАРИНИ ЯРАТИШ

"Иқтисодий имкониятларни кенгайтириш ва янги иш жойларини яратиш" га йўналтирилган "Аҳоли турмуш даражасини ошириш" компоненти орқали салмоқли натижаларга эришилди. Улар Қорақалпоғистон ҳудудида мақсадли аҳоли қатламларининг иқтисодий, озиқ-овқат ва экологик хавфсизлигини яхшилаш орқали аҳолининг даромад олиш ва салоҳиятларини ошириш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган.

Дастур 200 дан ортиқ бизнес лойиҳалари ва тажриба участкаларини қўллаб қувватлаб келмоқда. Мазкур бизнес-ташаббуслар ва тажриба участкалари Қорақалпоғистоннинг мақсадли туманларида иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан бирга, Оролбўйи ҳудудларидаги олис қишлоқ ҳудудларида юзлаб янги иш жойларини яратиш имкониятини берди.

## **“ШУМАНАЙ МАЛИКА – СОФИЯ” — ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ АЁЛ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН НАЪМУНАВИЙ ЛОЙИҲА**

With Қорақалпоғистонда хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, бизнесни турли соҳаларда ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида, қўшма дастур томонидан тадбиркор аёл Саятхон Аметова томонидан гўзаллик салонини ташкил этилиши қўллаб-қувватланди. “Она, тадбиркор ва хурматга сазовор соч турмаклари устаси бўлиш бу шахсий галабадир,” – деди ўз мақсадига интилувчанлик, қатъиятлик ва садоқат билан эришган Саятхон.

Саятхон Қорақалпоғистон пойтахтидан 70 км нарида жойлашган Шуманай туманида туғилиб, шу ерда улғайган ва "Шуманай Малика-София" гўзаллик салони эгаси эканлигидан фахрланади. У шинам шароитда мукамал ва ҳамёнбоп хизмат кўрсатиш орқали мижозларга юқори сифатли хизмат кўрсатишга интилади. Бу мазкур аҳоли пунктидаги энг замонавий ва қадрланадиган хизмат кўрсатиш корхонасидир.

Қорақалпоғистон Давлат Университетини иқтисодиёт факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаган Саятхон "Агро банк"да 5 йил давомида назоратчи лавозимида фаолият юритди. Бироқ, унинг эхтироси устун чиқди ва у Шуманайда энг муваффақиятли тадбиркор аёлга айланиш мақсадида банкдан кетишга қарор қилди. Маҳаллий аёллар учун Шуманай каби узоқ ҳудудда замонавий

гўзаллик салонига эгалик қилиш етиб бўлмас орзу бўлиб туюлар эди, бироқ Саятхон ўз орзусини амалга оширишга қаттиқ бел боғлади.

*“Онам доим мени тузатиб турар эди — мен “уддалай олмайман” деган вақтимда, — у “сен албатта уддалайсан” деб айтар эди!”* – деди Саятхон. “Менинг ижодий қобилиятимни қўллаб-қувватлаган ва ўз иқтидоримни эркин ифода этишимга имкон берган оилада вояга етиш, мен учун энг ёрқин даврлар бўлди. Ота-онам менга ўз мақсадларим сари интилишда кўп меҳнат қилишим ва ҳеч қачон таслим бўлмаслик зарурлигини ўргатганлар”.

Саятхон ўз гўзаллик салонини 2016 йилда ишга туширишига қарамасдан, ўша даврда молиявий маблағлар етарли эмаслиги ва талаб этиладиган маблағни йиғишда қўл келиши мумкин бўлган бизнес-таклифларни ишлаб чиқишда тажрибаси етишмаслиги сабабли биринчи қадам муваффақиятли бўлмади. Айни вақтда, Саятхон ўз меҳнати ва ишга фидокорлиги туфайли мижозлар рўйхатини кенгайтиришга муваффақ бўлди. У ва унинг иқтидорли косметологлар жамоаси ўз ишларини янада ривожлантиришлари учун барча имкониятларга эга бўлиб, ўз мижозларига комплекс хизматларни таклиф қилиш ва иш соатларини кенгайтириш каби қулайликлар яратмоқдалар.





Бу каби бизнесни ривожлантириш лойиҳалари қишлоқ жойларидаги аёлларнинг тадбиркорликка оид кўникмаларини ошириб, янги иш жойларини яратиш ва қўшимча

даромад манбаларини яратишга имкон бериб, энг муҳими, аёллар ва ижтимоий ҳимояга мухтож оилаларнинг молиявий хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

### **ТАХТАКЎПИР ТУМАНИДА "БОРШИ" ОИЛАВИЙ КОРХОНАСИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ТАРИХИ**

Тахтакўпир тумани аҳолисининг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик билан шуғулланиб, уларнинг озиқ-овқат хавфсизлиги, турмуш тарзи ва даромадлари асосан қурғоқ ерларда жойлашган "Куаниш-Жарма" каналига боғлиқдир. Вилоят пойтахтидан 100 км узоқликда жойлашган Тахтакўпир аҳоли пункти вилоятнинг энг чекка ҳудудларидан бири бўлиб, жанубда Қозоғистон билан чегарадош бўлиб, асосан Қизилқум қумларидан иборат ерларда жойлашган.

Ишсизлик даражаси ҳам бошқа қўшни туманлардагидан юқори бўлиб, ҳар йили кўп-кўп ёшлар яхшироқ иш топиш мақсадида қўшни мамлакатлага кетадилар. Бошқалар эса, яшаш учун етарлича даромад топиб, туман иқтисодиётига ҳисса қўшиш учун ўз уйларида қолишни афзал кўрадилар - бундай қарорга келиш осон эмас албатта. Сўнги йиллар давомида, ҳукумат томонидан минтақада, хусусан аёллар ва ёшлар учун иш жойлари яратиш учун чора-тадбирлар амалга оширилиб келинишига қарамасдан,



аёллар шахсий ва профессионал ҳаётларини мувофиқлаштиришдаги қийинчиликлар, молиявий имкониятлари чекланганликлари, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи йўқлиги ҳамда ўзларига бўлган ишончни оширишда намунавий моделнинг йўқлиги каби муаммоларга дуч келмоқдалар.

Бу омиллар, аёлларнинг профессионал ва шахсий ҳаётда ўзларини топишларида тўсиқлик қилмоқда. Бироқ, тумандаги "Борши" оилавий корхонасини турмуш ўртоғи ва оила аъзолари ёрдамида ташкил қилган тадбиркор аёл Марзия Эсемуратованинг ютуқлари бундай муваффақиятга эришиш мумкинлигини кўрсатиб берди.

2017 йилда, БМТнинг қўшма дастури Тахтақўпирда истиқомат қилувчи аёллар учун семинарлар ташкил этди. Марзия ўз ишини бошлаш учун илхомланиб, иш излаётган вақтда семинар ҳақида хабар топиб, унда иштирок этишга қарор қилди. У кичик бизнес лойиҳасини ишлаб чиқди ва унинг лойиҳаси Тадбиркорлик қўмитаси томонидан тасдиқланди.

Марзиянинг корхонаси оилага асосланган бизнеснинг ўзгарувчан шароитларга мосланувчанлигини, кейинги қадамларни режалаштиришни, оила аъзоларига роллар бўлиб берилиши ва унинг умумий касбий кўникмаларини ўзида мужассам этган энг самарали амалиётларни қамраб олганини ғурур билан таъкидлаш лозим. "Борши" корхонаси билан ҳамкорлик, Тахтақўпир аҳолисини турли хилдаги қадоқланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш орқали озиқ-овқат авфсизлигини таъминлашга кўмак бериб, шу билан бирга, бу каби хизматларни Қорақалпоғистоннинг бошқа туманларига ҳам ёйишни режалаштириш имкониятини яратди.



Бугунги кунда, корхонамиз Тахтақўпир ва Чимбой туманларида мустақил махсус ва табиий озуқа маҳсулотлари чакана савдогарларининг эhtiёжларини қондириш мақсадида, уларга юқори даражада хизмат кўрсатиш, сифатли маҳсулотлар ва савдо дастурларини таклиф қилиб келмоқдамиз.

## **МЎЙНОҚ ТУМАНИДАГИ МАДЕЛИ АҲОЛИ ПУНКТИДАГИ НОН ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ФАОЛИЯТИ**

Авваллари гуллаб-яшнаган денгиз порти жойлашган Қорақалпоғистон шимолидаги Мўйноқ тумани, хўжалик экинларини жадал суғориш оқибатларида қуруқ, номаҳсулдор ерларга айланиб улгурди. Бунинг энг дахшатли белгиси, бу Орол денгизи фожеасининг унсиз гувоҳлари бўлмиш денгиз кемаларининг қолдиқларидан иборат қаб-

ристондир. Бир вақтлар кўплаб иш ўринлари билан таъминлаган Мўйноқ балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи комбинати ҳозирги даврга келиб ўз фаолиятини бутунлай тўхтатиб, унинг биниси қисман бузиб ташланган. Сўнгги йиллар давомида, табиий офатнинг туманга кўрсататётган таъсирини юмшатиш ва инсон хавфсизлигига





бўлган ёндашувни самарали амалга оширишни таъминлаш мақсадида, БМТнинг қўшма дастури ва маҳаллий давлат органлари туманнинг иқтисодий ҳолатини яхшилашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

2017 йилда, БМТнинг қўшма дастури Мўйноқ туманида аҳоли яшаш жойларини ривожлантиришга қаратилган семинар ташкиллаштирди. Иштирокчиларга даромад олиш усуллари ҳақида ўз фикрларини билдиришларини сўралганида, Замира Сарсенова ўзи яшаётган аҳоли пунктида кичик нон ишлаб чиқариш корхонаси очишни доим орзу қилганини ва шу орқали маҳаллий аҳолини кундалик маҳсулот ҳарид қилиш учун туман марказига қатнашига барҳам беришни истар эди. Мазкур ташаббусни қўллаб-қувватлаш ва жамиятда аёлларнинг бизнес лойиҳаларини илгари суриш мақсадларида, Тадбиркорлик қўмитаси аъзолари нон ишлаб чиқариш корхонасини БМТнинг қўшма дастури орқали молиялаштириш учун танлаб олдилар.

Ушбу нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонанинг муваффақияти, тадбиркорнинг машаққатли меҳнати вужудга келаёт-

ган тўсиқларни енгиб ўта олишига ёрқин мисол бўлиб хизмат қилади. Замира Мўйноқ туманидаги Мадели аҳоли пунктида яшовчи, ўз ҳаётини фарзандлари ва оиласига бағишлаган оддий аёл бўлиб, ҳеч қачон ўз уйини чет мамлакатларда таълим олиш ёки яхшироқ иш топиш мақсадида тарк этишни ҳаёлига ҳам келтирмаган эди.

Бироқ, собиқ Совет Иттифоқининг тарқалиб кетишидан сўнг, ўз жамоадошлари каби Замира ҳам ишсиз қолди ва қўшни мамлакатларга иш излаб кетишга мажбур бўлди. Қозоғистонда яхши иш топиш амри маҳол бўлгани сабабли, у Мўйноқда вақтинчалик иш излай бошлади. Ўзи яшайдиган жамоада бир қанча кам ҳақ тўланадиган ишларда меҳнат қилиб кўргач, Замира ўз бизнесини очиш вақти келганини англаб етган бўлсада, ишни нимадан бошлашни билмас эди.

БМТТД томонидан уюштирилган "Аёллар ўртасида тадбиркорлик имкониятларини кенгайтириш" масаласига бағишланган семинарда қатнашганидан сўнг, Замира лойиҳа таклифини ишлаб чиқди ва 2018 йил феврал ойида унинг лойиҳаси тадбиркорлик қўмитаси томонидан тасдиқланди. Дастур туфайли у хамир аралаштириш ускунасини



харид қилишга муваффақ бўлди ва ҳозирги вақтда, у кўпроқ сонли истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш мақсадида ўз бизнесини кенгайтиришга муваффақ бўлди. У маҳаллий расмийлар билан учрашиб, натижада ўз бизнесини юритиш учун унга бўш бино бепул эга бўлди.

Бугунги кунда, нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик корхонада учта янги иш ўринлари яратилиб, уларнинг иккисидан аёл-

лар ва бирида эркак киши меҳнат қилмоқда. Мазкур корхона, Мадели ва унга қўшни бўлган ҳудудлардаги аҳолига нон маҳсулотлари етказиб бермоқда. Қисқа вақт ичида, нон ишлаб чиқариш корхонаси одамлар орасида обрў қозонишга эришди. Маҳаллий мансабдор шахслар ва БМТ дастури кўмагида, Замира ўз бизнесини янада кенгайтиришга ва қўшимча цех очиш орқали янги иш жойлари яратишга ва жамият ҳаётига ижобий таъсир кўрсата олишига умид қилади.

## ШУМАНАЙ ТУМАНИДАГИ МОНШАҚЛИ ҚИШЛОҚ ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ТОМОНИДАН ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Шуманай туманида истиқомат қилувчи 54 мингдан зиёд аҳолининг 51 фойизини аёллар ташкил этиб, туман аҳолиси асосан қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш секторларида фаолият юритиб келади. Яқин давр ичида, саноат, 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларини ривожлантириш бўйича ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ислохотлар туфайли, туман иқтисодиёт секторининг сезиларли қисмига айланишга улгурди.

Туман Қорақалпоғистон пойтахти Нукус шаҳридан 85 км узоқликда жойлашган бўлиб, логистика нуқтаи назаридан қулай жойлашувга эга. Бу, туманга қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини минтақа бозорларига етказиб бериш бўйича қулай имкониятлар яратиб беради. Маҳаллий деҳқон ва оилавий хўжаликлар ўз маҳсулотларини маҳаллий ва минтақавий бозорларда осонгина сотиш имкониятига эгадирлар.

Қишлоқ хўжалиги йилига 8,2% га ўсиб бораётган туман иқтисодиётининг асосий қисмини ташкил этиб, ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги секторига 206 фермерлик хўжаликлари ва 1235 оилавий хўжаликлари жалб қилинган. Ҳар йили, тахминан 1,004.4 тонна мева-сабзавот маҳсулотлари истеъмол қилиш ва сотиш учун ишлаб чиқарилади. Ёз мавсумида сезиларли даражада паст нархларда сотиш имконияти бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўп миқдорда ишлаб чиқариш имкониятлари юқори бўлсада, қиш ойларида мева ва сабзавотларнинг танқислиги сезилади.

Ушбу муаммони бартараф этиш учун, БМТнинг қўшма дастурида кўзда тутилган “Даромад шакллантирувчи омили” Шуманай туманидаги Мошқали қишлоқ фуқаролар йиғинидаги маҳаллий ҳамкорлар билан бирга-

ликда, бир вақтнинг ўзида 100 тоннадан ортиқ мева ва сабзавотларни сақлаш ҳажмига эга бўлган омборхоналар ташкил қилиш бўйича ишлар олиб бордилар. Омборхоналар туфайли, 15 минг кишидан ортиқ аҳоли қиш ва баҳор мавсумларида ҳамёнбоп нархларда мева ва сабзавотлар харид қилиш имкониятига эга бўлдилар, 30 дан ортиқ деҳқон ва оилавий хўжаликлари ўз маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун қиймат занжирини яратишга муваффақ бўлдилар.



“Ҳозирги вақтда, фермерлар, оилавий хўжаликлар ва истеъмолчилар билан самарали бизнес алоқалари ўрнатилди,” — деди бизнес лойиҳа ташаббускори Садатдин Кошқаров. “Авваллари, фермерлар ва оилавий хўжаликлар ортиқча мева-сабзавотлардан фойда кўриш имкониятига эга эмас эдилар, аммо ҳозирги кунда уларда ошиқча маҳсулотни замонавий омборхоналарда сақлаш имкониятлари мавжуд”.





## БМТНИНГ ҚЎШМА ДАСТУРИНИНГ ИЛҒОР ТАЖРИБАСИ

- **Далилларга асосланган таҳлил** (Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар билан ҳамкорликда, сўровлар, мониторинг ва баҳолаш жараёнлари, маҳаллий ресурслар / ҳамжамиятларни ривожлантиришни режалаштириш ва бошқа воситалар ёрдамида амалга оширилади) ва **иштирок этишга асосланган ёндашувни** чуқурроқ англаш орқали, дастур ёрдамга мухтожларга қаратилган ҳолда сезиларли муваффақиятга эга бўлди. Мазкур ёндашувнинг минтақавий ташаббуслар доирасида янада такомиллаштирилиши талаб этилади.
- Маҳаллий ривожланишга **интеграциялашган ёндашувни** татбиқ қилиш ва турмуш даражаси, соғлиқни сақлаш ва инфратузилмани ривожлантириш компонентлари ўртасидаги алоқалар ва ҳамкорликни аниқлаш лойиҳа натижаларининг самарадорлиги ва махсулдорлигини таъминлашга кўмак беради.
- Дастурни амалга оширишда миллий, минтақавий ва маҳаллий ташкилотларни жалб қилиш орқали **ҳамкорликни ривожлантириш** дастурнинг долзарблилигини ошириб, узоқ муддатли барқарорликни таъминлаб беради. Давлат муассасалари билан кейинги ҳамкорлик, уларни Орол денгизи фожиасининг оқибатларини камайтириш бўйича Давлат дастурига интеграциялаш бўйича энг самарали амалиёт ва ёндашувларни аниқлаш истиқболларини очиб берди.
- Ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган **узоқ муддатли минтақавий стратегик режалаштиришни** амалга оширишга кўмаклашиш, узоқ муддатли ва комплекс масалаларни ечишга мўлжалланган салоҳиятли институтлар ва механизмлар яратилишига олиб келди (Минтақавий стратегияни ривожлантириш, маълумотлар базасини яратиш ва Мўйноқ туманини 2030 йилгача мўлжалланган ривожлантириш истиқболлари). Натижада, узоқ муддатли минтақавий ривожланиш мақсадида ҳукумат салоҳияти ва эгалик ҳуқуқларини ошириш учун минтақанинг эҳтиёжларини баҳолаш ва ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.
- Дастур, SDC, JICA, TICA, Coca-Cola жамғармаси, the Global Water Challenge, MASHAV, GIZ, GEF KGD, MSF ва Буюк Британиянинг Тошкентдаги элчихонаси ҳамкорлигида **минтақа даражасидаги донорлар** томонидан турмуш даражасини яхшилашга қаратилган мувофиқлаштирилган чоратадбирларнинг афзалликларини ишончли тарзда намойиш этиб берди. Бу каби мувофиқлаштирилган ҳаракатлар Оролбўйи минтақасида ташкил этилган Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик траст жамғармаси доирасида янада кучайтирилади.



# ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИ УЧУН ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА КЎПШЕРИКЛИК ТРАСТ ЖАМҒАРМАСИ ОРҚАЛИ ДАСТУР НАТИЖАЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФ

Хукумат органлари томонидан амалга оширилган тадбирлар ва БМТнинг қўшма дастури Орол инқирозининг салбий оқибатларидан зарар кўрган маҳаллий аҳолининг ҳолатини бир мунча яхшилаган бўлсада, аммо бу офатнинг кўлами ҳамон жиддий бўлиб қолмоқда. Шу боис, Ўзбекистон Хукуматининг ташаббуси билан “Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик траст жамғармаси” инновацион ёндашувларни таъминлаш ва инсонларга доимий эътиборни жалб қилиш ҳамда ҳаракатларни янада мувофиқлаштириш ва ҳамжихатликни ошириш мақсадида ташкил этилган.

Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик траст жамғармаси дунё миқёсида инсон томонидан юзага келган энг йирик экологик офатлардан бирининг оқибатларини бартараф этиш учун кўп тармоқли ва инсон манфаатларига йўналтирилган чора-тадбирларни кучайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадини ўз ичига олувчи, ва шу билан бирга мосланувчан, далил ва инсон ҳуқуқларига асосланган жамғарма бўлишни мақсад қилиб қўйган. Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик траст жамғармаси барқарор натижаларга эришиш мақсадида, ёрдам оқимларини мувофиқлаштириш ва давлатнинг салоҳиятини оширишга қаратилган изчил стратегия билан таъминлайди.

Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик траст жамғармасининг ўзгариш назарияси, ўзаро боғлиқ бўлган муаммоларнинг қуйидаги олтита кластерини аниқлаб берди:


- ▶ Экологик нобарқарорлик;
- ▶ Иқтисодий нобарқарорлик;
- ▶ Озиқ-овқат нобарқарорлиги;
- ▶ Соғлиқни сақлаш тизимининг нобарқарорлиги;
- ▶ Ижтимоий ҳимоясизлик;
- ▶ Донорлик ёрдамининг самарасизлиги.

Натижаларнинг устуворлиги, ривожлантириш бўйича

ҳамкорларнинг ҳамкорлиги ва кўрсатилётган кўмакнинг шаффофлиги бўйича фаол ҳамкорлик бўйича Пусан ҳамкорлик дастури тамойилларига мувофиқ, Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик траст жамғармасининг вазифаси ривожланиш чора-тадбирларини мувофиқлаштириш соҳасига ижобий ҳисса қўшишдан иборатдир.

Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик траст жамғармаси доирасидаги ёрдам, 2017 йил давомида Оролбўйи ҳудудларидаги экологик офатдан зарар кўрган аҳоли пунктларда ўтказилган мустақил ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар орқали аниқланган эҳтиёжларни баҳолашга асосланган ягона дастурга мувофиқ амалга оширилади.

1-схема. Эҳтиёжларини баҳолаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра аҳолининг асосий устувор эҳтиёжлари, фоизларда (2017 йил)








Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик траст жамғармасининг бошқарув тизими самарали ва маҳсулдор қарор қабул қилиш ва мониторинг тизимини яратишга кўмак бериб, бу ўз навбатида тартибли тақсимлаш жа-

раёнлари ва жавобгарликнинг аниқ талабларини таъминлаб берди. Бошқарув тизимлари инклюзивлик, шаффофлик ва жавобгарлик тамойиллари асосида яратилган бўлиб, улар дунё бўйлаб ўз аҳамиятини исботладилар.

### ЖАМҒАРМАГА ҲИССА ҚЎШИШ

Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик траст жамғармасига маблағлар ҳукуматлар, икки томонлама ва кўп томонлама донорлар, жисмоний шахслар ва хусусий сектор томонидан тақдим қилиниши мумкин. Жамғарма фаолиятига ҳисса қўшиш учун Маъмурий Агент билан стандарт маъмурий битим имзоланиши талаб этилади.

Жамғарма иштирокчиларидан фонд стратегиясини амалга оширишда Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик траст жамғармасини самарали бошқариш учун номақсадли маблағлар тақдим этиш талаб этилади. Шу билан бирга, алоҳида донорлар томонидан ажратилган мақсадли маблағлар қабул қилиниши мумкин бўлиб, улар молиявий кўрсаткичлар даражасида бўлишлари ва жамғарма стратегиясининг муваффақиятига ҳисса қўшиши лозим.









## **БМТНИНГ ҚЎШМА ДАСТУРИ**

**«Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича  
кўпшериклик фондини ташкил қилиш орқали  
Орол фожиасидан зарар кўрган аҳолининг турмуш шароити  
салоҳиятини мустақамлаш»**

**Дастурнинг Қорақалпоғистондаги офиси**  
Қорақалпоғистон, Нукус шаҳри  
Ерназар Алакоз кўчаси 56 уй  
Тел: (+998 61) 224-13-81  
Факс: (+998 61) 224-16-354

[www.un.uz](http://www.un.uz)  
[www.uz.undp.org](http://www.uz.undp.org)

**Ўзбекистондаги Бирлашган Миллатлар  
Ташкилотининг Тараққиёт Дастури**  
Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, 100029,  
Тарас Шевченко кўчаси 4 уй  
Email: [registry.uz@undp.org](mailto:registry.uz@undp.org)  
Тел: (+998 71) 120-34-50  
Факс: (+998 71) 120-34-85

Facebook: [fb.com/UNAralSeaProgramme](https://www.facebook.com/UNAralSeaProgramme)  
Twitter: [@UN\\_Uzbekistan](https://twitter.com/UN_Uzbekistan)